

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА  
БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРҚУЛОВ БЕҲЗОД ЭШМИРЗАЕВИЧ**

**ЎЗАНИ ЕНГИЛ ЮВИЛУВЧАН ДАРЁЛАРДА ОҚИМНИНГ БЕҚАРОР  
ХАРАКАТИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИЛМИЙ ВА  
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**Техника фанлари доктори (dsc)  
диссертацияси автореферати**

**Тошкент - 2024**

**Техника фанлари доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора (DSc) технических наук**

**Content of the dissertation abstract of Doctor of Science  
(DSc) on Technical Sciences**

**Норкулов Бехзод Эшмирзаевич**

Ўзани енгил ювулувчан дарёларда оқимнинг беқарор харакатини  
ҳисоблаш усуллари илмий ва экспериментал такомиллаштириш..... 3

**Норкулов Бехзод Эшмирзаевич**

Совершенствование научных и экспериментальных методов расчёта  
нестационарного движения потока на легкоразмываемых руслах  
рек..... 29

**Norkulov Behzod Eshmirzaevich**

Improving scientific and experimental methods for calculating unsteady flow  
movement on easily eroded river beds..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА  
БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРҚУЛОВ БЕҲЗОД ЭШМИРЗАЕВИЧ**

**ЎЗАНИ ЕНГИЛ ЮВИЛУВЧАН ДАРЁЛАРДА ОҚИМНИНГ БЕҚАРОР  
ХАРАКАТИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИЛМИЙ ВА  
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида В.2022.4.DSc/T576 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (resume)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим тармоғига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Базаров Дилшод Райимович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хўжаев Исматулла Қушаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Махмудов Эрناзар Жумаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Эшев Собир Саматович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент архитектура-қурилиш университети**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 й. соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори-Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871) 237-22-67; факс: 237-54-79; e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори-Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871) 237-22-67, факс: 237-54-79; e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2024йил \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Т.Салоҳиддинов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.профессор

**Ф. Гаппаров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.профессор

**М.Р.Бакиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясига автореферат)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жахонда дарё ўзанларида гидротехника ёки гидроэнергетика иншоотларини қуришда оқим динамикасининг кескин ўзгаришини башорат қилиш хусусан, тўғонсиз сув олишда ўзандаги жараёнларнинг ривожланиши иншоот ишончлилигига ва ишлашига салбий таъсирлари олдини олиш, шунингдек қишлоқ хўжалик экинларига кафолатланган миқдорда сув етказиб берилишини таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда глобал иқлим ўзгариши инobatга олиб тўғонсиз сув олиш бош иншооти иш режимини баҳолаш, дарёнинг юқори оқимини бошқарилиши натижасида чуқурлик ва кенглик бўйича ўзан жараёнларининг ўлчамларини аниқлаш, уларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш замонавий ўзан гидравликасининг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада, жумладан тўғонсиз сув олишда, энг кам миқдордаги муаллақ ва ўзан туби оқизиклари билан кафолатланган сув олиш имкониятини яратиш, тўғонсиз сув олиш бош иншоотларининг хавфсиз ва самарали ишлашини таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

Жахонда дарё ўзанлари ва тўғонсиз сув олиш каналларининг кириш қисмларида содир бўладиган ўзан жараёнлари динамикасини башорат қилиш, лойқа чўкиндилярнинг тақсимланишини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, тўғонсиз сув олишнинг ишончлилиги учун шароитларни яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, дарё ўзанларида деформацияни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг морфологиясини ҳисобга олган ҳолда тўғонсиз сув олиш бош иншоотларига кафолатланган ва сифатли сув олишини таъминлашда замонавий ўзан гидравликаси бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, бош иншоот иш самарадорлигини ошириш бўйича янги экспериментал тадқиқотлар олиб бориш, ўзан жараёнларининг кўп омиллиги, вақт ва йўналиш бўйича кескин ўзгарувчанлиги туфайли кўриб чиқиладиган йўналиш бўйича кенг қамровли назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Ҳозирда республикамизнинг иқтисодий сиёсатида мамлакатни озиқ овқат билан таъминлаш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини тўлиқ сув ресурслари билан кафолатли таъминлаш, гидротехник ва мелиоратив тармоқларни қуриш, реконструкция қилиш каби масалалар устида самарали илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ишлаб чиқилган ва унда «Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Шу муносабат билан тўғонсиз сув олиш иншоотлари элементлари учун янги ва мавжуд гидравлик схемаларини такомиллаштириш, алоҳида конструктив ечимлар қабул қилиш, бундан ташқари сув олувчи

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

иншоотлари учун керакли сув сарфларини энг кичик миқдордаги чўкиндилар ўтказувчи сув олувчи каналлар ўзанларини танлаш мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос келади.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Ҳозирги вақтда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида, тш-онсиз сув олиш иншоотлари иш шароитини яхшилаш, ўзан жараёнларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш масалалари бўйича жаҳоннинг етакчи илмий - тадқиқот муассасаларида кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жаҳонда сув муаммолари соҳасида муваффақиятли изланишлар олиб бораётган ташкилотлар сифатида: Юта давлат университетининг Техник маркази, Шимолий Каролина давлат университети қошидаги Сув ресурслари тадқиқоти институти, US Bureau of Reclamation (АҚШ), Вена давлат университетининг География ва регионал тадқиқотлар департаменти (Австрия), Ганновер Университети (Германия), Россия ва Тожикистон «Сув муаммолари» институти каби ташкилотларни келтириш мумкин.

Дарё оқимини бошқариш, дарёдан сув олиш, ўзан жараёнлари, ўзанни ростлашни такомиллаштириш ва ҳисоблаш усулларига доир жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: дарё оқими ва каналлар мураккаб тизимидаги гидравлик режим ва оқизиклар транспорти моделлаштирилган, морфологик ҳариталар ишлаб чиқилган (DHI Water and Environment, Дания), гидротехника иншоотларини дарё гидрологик режимининг ўзгаришига таъсирини башорат қилиш усуллари ишлаб чиқилган (Колорадо университети, АҚШ), сув олиш каналларида

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.researchgate.net/publication>; <http://www.engr.colostate.edu/>; Kantoush S.A., at all. Impacts of sediment replenishment below dams on flow and bed morphology of river. CZMRDLLC – 2010, P.285-303; <https://link.springer.com/article/>; <https://www.usa.gov/federal-agencies/bureau-of-reclamation>; <https://scienceproblems.ru/>; <https://www.springer.com/gp> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

оқимнинг ҳаракатини математик моделлари ишлаб чиқилган (Вена университети, Австрия, Санкт Петербург политехника университети, Москва давлат қурилиш университети), дарёлар оқимини рационал бошқариш концепцияси ишлаб чиқилган (Департамент of Geomatic Engineering, Kwame Nkrumah University of Science & Technology (Гана). Ушбу йўналишда эришилган ютуқларга қарамай, ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар мавжуд. Чунки тўғонсиз сув иншоотларини лойиҳалашда қутилган натижаларни олиш имконияти етарли эмаслиги, енгил ювилувчан дарё ўзанларида оқимнинг нотекис ҳаракатини ҳисоблашнинг мавжуд усуллари аниқлаштиришни талаб қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тўғонсиз сув олиш, дарё ўзанидаги жараёнларни баҳолаш ва ҳисоблаш, сув оқимини бўлиниши қонуниятларини аниқлаш усулларига оид назарий ва экспериментал тадқиқотлар билан Республика ва чет элларда қуйидаги олимлар шуғулланишган: И.И.Леви, В.М.Лохтин, В.Н.Гончаров, А.Н.Гостунский, Н.В.Гришанин, И.В.Попов, К.И.Россинский, Г.А.Федотов, И.А.Кузмин, В.С.Алтунин, Н.Ф.Данелия, И.Л.Розовский, О.В.Андреев, Н.А.Михайлов, Н.С.Знаменской, В.С.Лапшенков, Д.Б.Дмитриев, В.М.Ляхтер, J.A. Kunj, F.M. Holly, A. Verwey, А.Н.Милитеев, В.В. Беликов, В.К. Дебольский, В.М.Прудовский, Б.Л.Историк, Г.Л.Гладков, К.Ш.Латипов, И.К.Хужаев, А.М.Арифжанов, М.Р.Бакиев, Хикматов Ф.Х, С.С.Эшев, И.А.Ахмедходжаева, М.Икромова, Ф.Шаазизов, Л.Самиев ва бошқалар.

Дарёлардан тўғонсиз сув олиш масалаларига қаратилган илмий ва амалий тадқиқотлар билан С.Т.Алтунин, С.Х.Абалянц, А.М.Мухамедов, Х.А.Ирмухамедов, Х.А.Исмагилов, И.А.Бузунов, Р.Уркинбаев, Ж.Кучкаров, Д.Р.Базаров ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида батафсил ёритилган ва уларнинг натижалари маълум даражада амалиётга қўлланилиб келинмоқда.

Гидротехника иншоотлари қурилиши ва эксплуатациясининг назарий масалалари бўйича илмий тадқиқотларни Ц.Е.Мирцхулава, И.Н.Ивашенко, С.Г.Шульман, Д.В.Стефанишин, О.М.Финагенов (Россия), М.М.Мирсаидов, М.Р.Бакиев, Э.Ж.Махмудов, Т.З.Султанов, А.А.Янгиев, Х.Файзиев (Ўзбекистон) ва бошқалар олиб борганлар.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг № 25/2021 Қарши магистрал канали 1-сонли насос станциясига сув олиб келиш соҳасидаги узандаги жараёнларини баҳолаш ҳамда земсиарядлар ва насос станцияси агрегатларини ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда 33/22-сонли Туркменистонда жойлашган “Қарши магистрал канали 1-сонли насос станциясига сув олиб келиш канали узунлиги бўйича лойқа чўкиндилар чўқиш соҳасини аниқлаш ва каналнинг сув ўтказиш қобилиятини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусидаги хўжалик шартномасининг тадқиқот ишлари доирасида олиб борилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзани енгил ювилувчан дарёларда оқимнинг беқарор ҳаракатини ҳисоблаш усулларини назарий ва экспериментал такомиллаштиришдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

дарё ўзанларида содир бўлаётган оқим беқарор ҳаракатини ва ўзан жараёнларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш;

кичик сувлар назарияси тенгламаларига асосланиб, дарё ўзанларида ўзан жараёнларини ҳосил бўлишининг математик моделини ишлаб чиқиш;

тўғонсиз сув олиш иншооти доирасида оқимнинг ўзига хослиги, чўкинди заррачаларининг чўкиши ва ўзан тубининг ювилиш хусусиятларини ўрганиш;

тўғонсиз сув олишда лойқа чўкиндиларнинг тақсимланиши ва йўналишини башорат қилиш дастурларини яратиш;

сонли тадқиқотлар асосида тўғонсиз сув олиш соҳасида йўналтирувчи иншоотларни жойлаштиришнинг гидравлик схемаларини яратиш;

тўғонсиз сув олишнинг пастки бьефида оқим тезлигининг тақсимланиши ва йўналишини башорат қилиш дастури асосида ўзан жараёнлари жадаллигини башоратлаш технологиясини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** Амударёда жойлашган Қарши магистрал канали (КМК) тўғонсиз сув олиш иншооти

**Тадқиқотнинг предмети**ни Қарши магистрал каналига тўғонсиз сув олиш соҳасида ўзан жараёнлари ва уларнинг математик моделлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида математик моделлаштириш ва ўзан жараёнларини содир бўлиши бўйича дала кузатувларини ўтказиш, чизикли бўлмаган тенгламаларни қабул қилинган чегаравий шартларда ва экспериментал ҳисоблашлар асосида сонли ечиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:.

икки ўлчамли дифференциал тенгламалар асосида сув оқими ҳаракатини ифодаловчи математик модель ишлаб чиқиш орқали тўғонсиз сув олиш иншоотида сув олишни яхшилаш усуллари такомиллаштирилган

назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида тўғонсиз сув олувчи каналига чўкиндилар киришини камайтиришни гидравлик схемаларини асослаш орқали оқимни йўналтирувчи пионер хандакни янги конструктив элементлари таклиф этилган

ўзани енгил ювилувчан дарёлардан тўғонсиз сув олишда оқимнинг беқарор ҳаракатини ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш орқали лойқа оқизикларнинг тақсимланиши ва йўналишини башорат қилиш дастури яратилган;

тўғонсиз сув олиш каналига оқимни йўналтирувчи иншоотларни жойлаштириш ўрнини гидравлик схемалари сонли тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган;

тўғонсиз сув олиш иншоотининг пастки бьефида оқим тезликларининг тақсимланишини ва йўналишини башорат қилиш дастури орқали ўзан жараёнларини башорат қилиш технологияси ишлаб чиқилган;



гидравлик ва дала тадқиқотлари асосида кам сувли даврларда дарёдан тўғонсиз сув олиш соҳасида оқимнинг дарё тубининг шакли ва ўзан жараёнлари билан боғлиқлари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тўғонсиз сув олиш иншоотларини лойиҳалашда фойдаланиш учун икки ўлчам математик модел асосида сув оқими ва ўзан туби оқизиқлари харакатини аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

тўғонсиз сув олиш каналига оқимни йўналтирувчи иншоотларнинг конструктив элементлари лойқа чўкиндиларни каналга кириши инобатга олиб ишлаб чиқилган.

дарёдан тўғонсиз сув олиш иншооти соҳасида вақтга боғлиқ равишда оқим тезликларини юза майдон бўйича тақсимланишини башорат қилиш дастури ишлаб чиқилган.

сонли тадқиқотлар асосида йилнинг сув кам бўлган даврларида оқимни сув олиш каналига йўналтиришни гидравлик схемалари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги математик моделнинг импульс ва масса сақланиш қонунлари билан тасдиқланганлиги, қўлланиладиган ҳисоблаш схемаларининг консервативлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг тадқиқот объектининг табиатига мос келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўғонсиз сув олиш соҳасида деформацион жараёнларни ифодаловчи икки ўлчамли математик моделни ишлаб чиқиш ва замонавий дастурлар асосида дарё ўзанидаги жараёнларни ҳисоблаш усулларини назарий ва экспериментал такомиллаштирилганлиги, сонли тадқиқотлар асосида тўғонсиз сув олиш соҳасида оқим йўналтирувчи иншоотларни жойлаштиришнинг гидравлик схемаларини ва конструкцион элементларини ишлаб чиқилганлиги, ўзан қирғоқлари ва тубининг деформацияланишини бир вақтнинг ўзида ҳисоблаш усулини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дарё ўзанида оқимнинг гидравлик элементлари ва ўзанининг морфометрик параметрлари ўртасидаги функционал боғлиқликларни олинганлиги, Қарши магистрал канали тўғонсиз сув олиш соҳасидаги лойқа билан тўйинган оқимни параметрларини аниқлашда руй берадиган ўзандаги жараёнлар ҳисобланганлиги, тўғонсиз сув олувчи каналига чўкиндилар киришини камайтиришни гидравлик схемаларини асослаш орқали оқимни йўналтирувчи пионер хандакни янги конструктив элементларини ишлаб чиқилганлиги, сув олишнинг пастки бўефидаги ўзандаги жараёнлар динамикасини баҳоланганлиги ва тўғонсиз сув олишда кам сувли даврларни инобатга олиб сув олишни яхшилаш усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тўғонсиз сув олишда ўзан жараёнлари жадаллигини баҳолаш ва иншоотнинг эксплуатацион шароитини яхшилашда илмий ва экспериментал такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

тўғонсиз сув олиш ҳудудида сув оқимининг ҳаракатини ифодаловчи икки ўлчамли такомиллаштирилган математик модели Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Карши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023-йил 16-августдаги 03/37-2603 -сонли маълумотномаси). Натижада сув оқими ва ўзан туби оқизиклари орасидаги боғланиш қонуниятлари ва тўғонсиз сув олиш иншооти соҳасида ўзандаги жараёнлар характерини аниқлаш имкони яратилган.

сув олиш каналига оқимни йўналтирувчи пионер хандақнинг конструктив элементлари каналга чўкиндиларнинг киришини инobatга олган гидравлик схемалари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Карши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси томонидан амалиётга жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023-йил 16-августдаги 03/37-2603 -сонли маълумотномаси). Натижада тўғонсиз сув олишда ўзан жараёнлари ўзгаришини олди олинган ва оқимни сув олиш каналига йўналтириш орқали эксплуатацион самарадорликни 12 фоизга яхшилаш имкони яратилган.

дарёдан тўғонсиз сув олиш иншооти соҳасида вақтга боғлиқ равишда оқим тезликларини юза майдон бўйича тақсимланишини ва оқимнинг лойқалигини ўзгаришини инobatга олган ҳолда оқим йўналишини башорат қилиш дастури Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Карши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси томонидан амалиётга жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023-йил 16-августдаги 03/37-2603 -сонли маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган дастур ёрдамида оқим тезликларининг юза майдон бўйича тақсимланиши ва лойқа оқизиклар йўналишини башорат қилиш, дарёдан тўғонсиз сув олишда иншоот иш режимининг таъсири натижасида содир бўладиган ўзан жараёнларини олдини олиш имконияти яратилган.

сонли тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган гидравлик схемалари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Бухоро машина каналдан фойдаланиш бошқармаси томонидан амалиётга жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023-йил 16-августдаги 03/37-2603 -сонли маълумотномаси). Натижада гидравлик схемаларини кўллаш асосида ўзани тозалаш ишлари самарадорлиги ортиб, йилнинг сув кам бўлган даврларида оқимни сув олиш каналига йўналтириш имконияти яратилди.

гидравлик ва дала тадқиқотлари асосида кам сувли даврларда дарёдан тўғонсиз сув олиш соҳасида оқимнинг дарё тубининг шакли ва ўзан жараёнлари билан боғлиқлари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Карши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси томонидан амалиётга жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023-йил 16-августдаги 03/37-2603 -сонли маълумотномаси). Натижада кафолатли сув олишни таъминлаш учун сув олиш жойига энг яхши оқим ёндашувини ишлаб чиқиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 28 та мақола, жумладан 12 таси республика ва 16 таси хорижий журналларда нашр этилган, 3 та ЭХМ дастурига гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида Ўзбекистонда ва жаҳонда ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган натижалар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумот келтирилган.

Диссертациянинг **“Оқимнинг беқарор ҳаракатида дарё ўзанида содир бўладиган деформацион жараёнлар ва методикасини ўрганилганлик ҳолати”** деб номланган биринчи бобида тўғонсиз сув олувчи иншоотлари ва улардаги муаммолари ўрганиш натижалари, оқимнинг беқарор ҳаракатида дарё ўзанида содир бўладиган ўзан жараёнлар ва усулларини ўрганилганлик даражаси, тўғонсиз сув олишда мавжуд усулларни ва хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишлари тахлили, шунингдек диссертация иши мавзуси доирасида муаммолар ечимига асосланган тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари келтирилган. Бундан ташқари ушбу бобда дарё оқизикларининг узунлик ва чуқурлик бўйлаб тақсимотини ҳисоблаш, ўзан жараёнлари ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш, тўғонсиз сув олиш соҳасида оқимнинг ҳаракатини математик моделларини ишлаб чиқиш, дарё ўзан жараёнларини математик ва физик моделлаштириш, очиқ ўзанларда оқимни беқарор ҳаракатида чўкиндиларни ташишда содир бўладиган гидравлик ва ўзан жараёнлари муаммолари ўрганилган.

Дарё ўзанлари муҳандислик иншоотлари ўзаро таъсиридан келиб чиқадиган гидродинамик ходисаларнинг амалий ечимлар ҳозирги пайтгача муаммолигича қолмоқда. Бу масаланинг амалий аҳамияти оқизиклар фракцион таркибий қисмининг ўзгариши, лойқа оқизикларнинг ўзан кенглиги ва чуқурлиги бўйича тақсимланишини инобатга олган ҳолда ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш зарурлиги олиб борилган тадқиқотларда қайд этилган. Маълумки, тўғонсиз сув олишда асосий масала истеъмолчига белгиланган гидрограф асосида кафолатли сув ҳажмини етказиб беришдан иборат бўлади. Сув олиш жараёнида сув оқимининг гидродинамик

характеристикаларида ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришлар ўз навбатида дарё ўзанининг морфометриясига ўз таъсирини кўрсатади. Сув оқими ва ўзан туби оқизиклари орасидаги боғланиш қонуниятларини аниқлаш, тўғонсиз сув олиш иншооти соҳасида ўзандаги жараёнлар характерини аниқлаш имкониятини беради. Тўғонсиз сув олиш шароитларини яхшилаш учун тубда оқадиган чўкиндилар ҳажмини энг кам миқдорда бош иншоотга олиб кирувчи конструкцияни ишлаб чиқиш ва оқимнинг гидравлик параметрларини аниқлаш зарур.

Маълумки очик ўзанларда оқимнинг беқарор ҳаракатини, унинг ўзан жараёнлари кўринишидаги оқибатларини ва муҳандислик гидродинамикасидаги кўплаб физик ҳодисаларни ўрганишда кўпинча иккита усул яъни математик ва физик моделлаштириш усуллари қўлланилади. Экспериментал тадқиқот ва моделлаштириш усулларининг мақсади гидротехника амалиётида сарф харажатларни оптималлаштириш ва атроф-муҳитга экологик зарар етказмайдиган ишончли ва хавфсиз муҳандислик қарорларнинг таъминлашдир. Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сонли моделлаштиришдан фойдаланиш нафақат физик моделлаштиришга қараганда бир неча барабар арзон ва тезроқ, шунингдек анъанавий усуллар ёрдамида моделлаштириш мумкин бўлмаган жараёнларни моделлаштириш имконини беради. Сонли моделлаштиришни ривожлантиришга Россия Фанлар академияси тизимида, АҚШ Колорадо университетида, Австрия Вена университети, Санкт Петербург политехника университети, Москва давлат қурилиш университети, шунингдек бошқа илмий-тадқиқот институтларида фаолият юритадиган олимлари катта ҳисса қўшдилар. Гидродинамик жараёнларни моделлаштириш бўйича дастурлар тўпламини яратишда Россиялик олимлар бўлган В.М.Прудовский, А.Н.Милитеев, В.М.Ляхтер, Б.Л.Историк, Г.Л.Гладковларнинг тадқиқотлари маълум даражада ўз натижаларини берган. Бундан ташқари Республикамиз ва чет элда дарё ўзанлари гидравликасида математик моделлаштириш ва сонли тадқиқотлар олиб боришда J.A. Kunj, F.M. Holly, A. Verwey, B.K. Дебольский, B.B. Беликов, Д.Р.Базаров, А.М.Арифжанов, С.И.Худойкулов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишлари амалиётга қўлланилиб келинмоқда. Ишлаб чиқилган бир ва икки ўлчамли Сен Венан тенгламаларнинг сонли ечимларга эга дастурлар тўплами гидротехника иншоотларини ҳисобга олган ҳолда узоқ масофали сув ҳавзаларини мураккаб батиметрия ва пландаги кўринишга эга, жумладан ўзан жараёнлари ҳисоблаш имконини беради.

Мавжуд моделлаштириш усуллари таҳлил қилиш бобда шундай хулоса қилиш имконини берадики, ушбу усулларни қўллаш орқали олинган натижалар, бу натижаларни дала тадқиқот маълумотлари билан таққослаш, ягона тўпланда математик моделлаштиришни тавсифловчи тенгламаларга эга бўлиш, ўзан жараёнларини тавсифловчи дастурларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш кейинги ўн йилликларда муҳим рол ўйнайди.

Тўғонсиз сув олишда чўкиндиларнинг режимини таклиф қилинаётган конструкциялар учун назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида ишлаб чиқиш илмий тадқиқот ишининг асосий мақсадини ташкил қилади.

**“Очиқ ўзанларда оқимнинг беқарор ҳаракатини моделлаштиришда фойдаланиладиган гидродинамик тенгламалар”** деб номланган иккинчи бобида сув оқимининг беқарор ҳаракатида бир ва икки ўлчамли гидродинамика тенгламалари, оқимнинг беқарор ҳаракати икки ўлчамли математик модели, қўлланилиш соҳалари ва сонли тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ушбу бобда очиқ ўзанлар учун бир ўлчамли ва икки ўлчамли (планли) математик моделлари ва сонли алгоритмлари, шунингдек ўзан-қайирда оқимнинг икки ўлчамли модели батафсил келтирилган. Асосий эътибор тузилмаган учбурчак ва учбурчак-тўртбурчак тўрларда амалга оширилган икки ўлчовли сонли алгоритмларга қаратилади. Ушбу алгоритмлар ва дастурлар кўплаб аниқ объектларнинг компютер моделларини яратиш учун ишлатилган.

$$\frac{\partial Q}{\partial t} + \frac{\partial}{\partial x} \left( QU + \frac{1}{2} \int_{Y_{чан}}^{Y_{ўнг}} h^2 dy \right) = gi\omega - \lambda \frac{Q^2}{\omega R} + F \quad (1)$$

$$\frac{\partial \omega}{\partial t} \Big|_{z_{туб}} = const + \frac{\partial Q}{\partial x} = 0 \quad (2)$$

$$\frac{\partial \omega S}{\partial t} + \frac{\partial QS}{\partial x} = -K(S - S_H) \quad (3)$$

$$\left( 1 - p \frac{\partial \omega}{\partial t} \Big|_{z=const} \right) = -K(S - S_H) \quad (4)$$

бунда:  $Q$  – ўзанда ҳаракатланаётган икки фаза (сув + қаттиқ жисм заррачалари нанослар) оқимнинг сарфи;  $t$  – вақт;  $U = Q/\omega$  – оқимнинг ўртача тезлиги;  $\omega$  - оқимнинг ҳаракатдаги кесим юзаси;  $g$  – эркин тушиш тезланиши;  $Y_{ўнг}$ ,  $Y_{чан}$  - мос равишда ўзан чап ва ўнг қирғоқларининг сув оқими билан туташган чизиғи координаталари;  $h = z - z_{туб}$  – оқим чуқурлиги;  $z$  – сув сатҳи баландлиги белгиси ( $Y$  координатага боғлиқ эмас);  $z_{туб}$  – ўзан туби белгиси,  $i = \sin\alpha \approx \alpha$  - оқим ўқининг  $Ox$  горизонтал текисликка нисбатан қиялиги ( $\alpha$  - улар ўртасидаги бурчак);  $\lambda$  – гидравлик ишқаланиш коэффиценти;  $R = \omega/\chi$  – гидравлик радиус;  $\chi$  – ҳўлланган периметр;  $F$  – ўзаннинг нопризматиклигини ҳисобга олувчи зичликка нисбатан бирлик узунликка мос келувчи солиштирма куч;  $q$  ён томонлама оқимнинг солиштирма сув сарфи  $S$  – нанос заррачаларининг оқим таркибидаги ҳажмий миқдори;  $S_H$  - оқимнинг ташувчанлик қобиляти;  $K$  -ўзан тубидаги нанослар ва оқим ўртасидаги алмашинув жадаллигини қўрсатувчи коэффицент;  $p$ -грунт ғоваклиги. (грунт таркибидаги бўшлиқликларни шу грунтнинг табиий ҳажмига нисбати).

Бу тенгламалар системасини ечиш ва қулай шаклга келтириш учун унинг дивергент шаклига келтириш керак. Бунинг учун тенгламалар системасини алоҳида кўриб чиқиб, уларнинг мантиқан моҳиятини кам ўзгартирадиган, лекин амалиёт учун керакли натижа бериб, кўринишини сақлаб қолиш имкониятини мавжуд бўлган айрим чекланишлар қабул қилинади. Факатгина оқим бир ўлчамли бўлганда, яъни кўндаланг қирқим бўйича тезлик бир хил ва кўндаланг йўналиш бўйича сув сатҳини инобатга олиш керак бўлади.

Икки ўлчамли компьютер моделлар сифатида сув оқимининг ҳаракатини ифодаловчи моделни қуйидаги кўринишдаги ифодалаш мумкин:

$$\frac{\partial Q_i}{\partial t} + \frac{\partial Q_j U_j}{\partial x_j} + gh \frac{\partial z}{\partial x_i} = -\lambda Q_i \frac{|U|}{2h} - gh \frac{\partial z_\partial}{\partial x_i} \quad (i, j = 1, 2) \quad (5)$$

$$\frac{\partial z}{\partial t} + \frac{\partial Q_i}{\partial x_i} = 0 \quad (6)$$

$$(1 - p) \frac{\partial z_\partial}{\partial x_i} + \frac{\partial q_i^{(s)}}{\partial x_i} = 0 \quad (7)$$

$$q_i^{(s)} = U_i + hs + D \frac{\partial z_\partial}{\partial x_i} \quad (8)$$


$$D = a_q hs |U| \left( 1 - \frac{0,67 \alpha_w a_s |U|}{w(\alpha_b + \alpha_w |U|)/w} \right) \quad (9)$$

бунда:  $Q_{i,j}$  – солиштирма сув сарфи векторлари ташкил этувчилари;  $U_{i,j}$  – оқимнинг чуқурлик бўйича ўрталаштирилган тезликлари,  $x_i$  – ўзаннынг пландаги координаталари;  $z$  – оқим сатҳи баландлиги белгиси;  $z_b$  – ўзан туби белгиси;  $h$  – чуқурлик;  $\lambda$  – гидравлик ишқаланиш коэффициенти;  $a_q, a_s, a_w, a_b$  – тузатиш коэффицентлари. Тубда сурилиб ҳаракатланаётган нанослар учун:  $\alpha_q \approx 3,3, a_s \approx 0, a_w \approx 0,01, a_b \approx 0,24$ . Оқим таркибидаги муаллақлашган нанослар учун:  $\alpha_q \approx 3,3, a_s \approx 1,49, a_w \approx 0,04, a_b \approx 0,24$ ;  $q_i^{(s)}$  – наносларнинг солиштирма сарфи,  $p$  – ўзан ўтадиган грунт ғоваклиги;  $D$  – оқимнинг диффузиясини характерловчи коэффицент.

Ушбу икки ўлчамли компьютер моделини асосини Сен-Венан тенгламалари системаси ташкил қилади. Бу модел ўзан қирғоқлари ва тубининг деформацияланишини (ювилиш ва лойқа босиш) бир вақтнинг ўзида ҳисоблаш имконини бериб, оқимнинг гидродинамик параметрларини ўзгаришини бошқа моделларга нисбатан тўлиқроқ инобатга олиш имкониятини беради. Иккинчи бобда тўғонсиз сув олишда дарёда ўзан жараёнларини башорат қилишда проф. Д.Р. Базаров ва проф. А. Н. Милитеев томонидан ишлаб чиқилган бир ўлчовли ва икки ўлчовли математик моделнинг қўлланилиши натижалари таҳлил қилинди.


Диссертациянинг **“Қарши магистрал каналига тўғонсиз сув олиш соҳасининг ҳозирги ҳолати ва бош иншоотнинг эксплуатацион режими”** деб номланган учинчи бобида КМК га сув олиш ҳудудида мавжуд эксплуатация муаммоларини аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Амударёдан КМКга сув олишда канал бош қисмининг тез лойқаланиши ва чўкиши туфайли қийинчиликлар юзага келади. Сувнинг таркибига қараб, каналнинг кириш қисмига ҳар йили лойқалиги 5-8 кг/м<sup>3</sup> гача бўлган оқим киради. Йиллик чўкинди миқдори 8 дан 12 миллион тоннагача бўлади (1-расм). Ўзан қайта шаклланиши таҳлиллари шуни кўрсатадики, Амударёнинг асосий ўзанининг ўзгариб туриши, сув олишнинг кўпайиши, дарёда ҳаддан ташқари лойқа оқизиқлар кўпайиши натижасида сув олиш трассаси остига чўкиндилар йиғилади. Бу канал тубининг чуқурлашишига ва кўтарилишига олиб келади. Кўпгина ҳолатларда оқимнинг жадал оқиши ҳамда лойқа чўкиндиларни сув олиш каналининг ўнг қирғоғига ташланиши оқимнинг чап қирғоққа силжишига қисман таъсир кўрсатади.





**1-расм. Йиллар бўйича ҚМК участкасида кириб келган лойқа ва тозалаш ҳажми**

Амударёнинг ҚМК сув олиш жойидаги муҳити бир вақтнинг ўзида бир хил сув сарфига мос келмайдиган гидравлик характеристикалар билан тавсифланади. Бир хил сув сатхи баландликларида сув сарфлари бир-биридан тахминан 2 баробар фарқ қилиши мумкин, шу билан бирга, сув сатхининг ўзгариши эса  $\pm 0,6$  м гача бўлиши мумкин (2-расм).



**2-расм. Керки сув ўлчаш постидаги ўртача кунлик сув сатхлари ва сарфлари ўзгариши**

Бу сув сатхи баландликларида сув сарфлари бир-биридан катта фарқ қилиш ўзанининг жудаям беқарорлиги ва юқори ҳаракатчанлиги, қисқа вақт ичида каналнинг катта ўзан жараёнлари содир бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади. Дарёнинг гидравлик режими оқимнинг тезлиги, чуқурлиги ва кенглигини сезиларли даражада қайта тақсимланиши билан изоҳланади. Уларнинг ўрта оқим қисмида ўзгаришлар динамикаси: максимал тезликлар 1-5 м/с, ўртача тезликлар 0,3-2,5 м/с, максимал чуқурлик 2-12 м, ўртача 1-5 м, кенглиги 150-2000 м, нишаблиги 0,00018-0,00032 ташкил қилади. Оқимнинг энг юқори тезлиги ва чуқурлиги оқимнинг марказида, табиий ва сунъий оқим сиқилган жойларида ва Пулизиндан қояси қирғоғи яқинида (ўзаннинг эгилишида) кузатилади (3-расм).



**3-расм. КМК тўғонсиз сув олиш ҳудуди ўзани тубининг ўзгариш динамикаси**

**4-расм. Танланган створдаги вертикалларда лойқаликни чуқурлик бўйича ўзгариши**

Олинган лойқа оқизиклар намуналарининг таҳлили Туркменистондаги КМК лабораториясида ўтказилди (4-расм). Унга кўра қуйидаги фракцияларнинг оғирлиги бўйича % билан тавсифланди:  $d > 0,25$  мм ( $W > 26$  мм/с),  $d = 0,25 - 0,05$  мм ( $W = 26 - 2$  мм/с),  $d = 0,05 - 0,015$  мм ( $W = 2 - 0,2$  мм/с),  $d = 0,016 - 0,005$  мм ( $W = 0,2 - 0,02$  мм/с),  $d < 0,005$  м ( $W = 0,02$  мм/с).

Амударёга хос бўлган қирғоқларнинг шиддатли ювилиш кутилмаган оқибатларга олиб келади, яъни яқин атрофдаги экин майдонлари ва аҳоли пунктларининг ювилиши, тўғонсиз сув олишни қийинлашишига олиб келади. Дарёдаги ўзан жараёнлари учун КМК сув олиш соҳасида дала тадқиқотлари натижаларига кўра, дарё қирғоғининг ювилиши жадаллиги, ўпирилиш бурчагига ва оқимнинг гидравлик элементларига қараб қўйидагича аниқланди:

$$S = 4.6 \left( 1 - \frac{V_2^{1.5}}{V_1^{1.2}} \right) \cdot \rho_1 \cdot V_1 \cdot \sin \alpha_1 \text{ М/кун}$$

бунда:  $V_1, V_2$ - дарё қирғоғига яқин бўлган створдаги ўртача оқим тезлиги;  $\rho_1$  - дарё қирғоғига яқин бўлган створдаги сувнинг лойқалиги;  $\alpha_1$  - оқим йўналишининг бурчаги (ўпирилиш бурчаги).

Гидравлик оқим элементлари билан 2021-йил 7-июлдан 23-сентябргача чап қирғоқнинг ўртача суткалик ювилиш жадаллиги қуйидагича аниқланди: ўртача тезлик  $v = 0,72$  м/с; ўртача чуқурлик  $h = 2,2$  м; лойқалик  $\rho = 2,65$  кг/м<sup>3</sup> ва оқимнинг қирғоққа қиялиги  $\alpha = 30^\circ$ . Ўтказилган кузатишлар натижалари шуни кўрсатадики, кузатувлар даврида деформация (ювилиш) жадаллиги 1,17 м дан 4 м/кунни ташкил қилди.

КМКда сув олиш шароитларини яхшилаш ва каналнинг кафолатланган режали оқим сарфини ошириш учун каналнинг кириш қисми яқинида Амударёнинг катта чуқурликларни сақлаб туриш, шунингдек ўрта оқимда ўзани ростлаш ишларини тизимли равишда амалга ошириш зарур бўлади.


Диссертациянинг “КМКга тўғонсиз сув олишда оқимнинг беқарор ҳаракатини ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари”



деб номланган тўртинчи бобида Қарши магистрал каналига кириш ҳудудида Амударё оқимини ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқот натижалари, каналга кириш қисмида сув сатҳини максимал даражада ушлаб туриш ва ўзан туб чўкиндиларини сув олиш каналига кирмасдан ўтишини таъминлаш вариантлари келтирилган.


Экспериментал тадқиқотлар 3 босқичда ўтказилди ва оқимнинг гидравлик параметрлари аниқланди. 1 босқичда оқимни бошқарув иншоотларини қўллаш, 2 босқичда тадқиқотлар тўғонсиз сув олишда пионер хандак бўйича оқимни йўналтириш, 3 босқичдаги тадқиқотлар сув олиш ҳудудида ўзан жараёнлари содир бўлиши бўйича олиб борилди.

Экспериментал тадқиқотлар **1 босқичида** ҳимоя бошқарув иншоотлари ёрдамида келаётган оқимга нисбатан турли бурчакларда ва бир-бирига параллел равишда жойлаштирилди. Дамбаларнинг узунлиги ва улар орасидаги масофани шундай қабул қилинганки, юқори оқим тезлигида қолган канал кенглиги дарё ўзанининг тартибга солинган барқарор кенлигига тенг бўлади. Учта оқим йўналтирувчи дамба тизим канални торайтириб, оқимнинг ўнг томонга, сув олиш иншоотининг бош томон бурилишини таъминлади. Оқим йўналтирувчи дамба тизимлари орқасидаги тезлик нолга тенг бўлмаган қийматгача пасайган (4-расм).





**5-расм. Оқим йўналтирувчи шпоралар таъсирида оқим тезлиги ва сарфи қийматининг ўзгариш динамикаси**

Тадқиқотлар давомида асосий оқимнинг кўндаланг димланиш ҳосил бўлган ва унинг таъсир зонасида сув сарфи ва тезлиги пасайди. Натижада лойқа чўкиндилар чўкиши содир бўлиб, оқимнинг бир қисми чап қирғоққа сурилди (5-расм).



**6-расм. Автомодел соҳадаги оқим йўналтирувчи шпоралар таъсирида оқим тезлиги ва сарфини ўзгариши**




**7-расм. Автомодель соҳадаги оқим йўналтирувчи дамба таъсирида оқим тезлиги ва ювилиш чуқурликлари**

Шпораларни узунлигини танлаш учун дастлабки ҳисоб-китоблар М.Р.Бакиев, И.Я. Орлова ва С.Т.Алтуний методлари бўйича қабул қилинди. Шунингдек Р.Уркинбаев, Д.Р.Базаров методикаси бўйича тадқиқотларни моделлаштиришда гравитацион ўхшашлик мезони сақланган ҳолда Рейнольдс сони автомобиль соҳадаги қийматларига мос келиши таъминланди. Натижада, берилган кенглик шкаласида ювилувчи дарё тубини моделлаштириш тамойилининг барча талабларига жавоб берадиган вертикал масштабнинг оптимал қийматлари горизонтал бўйича 1:500 ва вертикал бўйича 1:40 қийматлари аниқланган. Енгил ювилувчи ўзанларда шпорларни аниқ тасвирлаш мумкин эмаслиги сабабли, тахминий моделлаштириш усулидан яъни оқимнинг ўрталашган гидравлик элементларни ўзгариши кўра ҳисоблар олиб борилди. Шпоралар таъсирида сиқилган участкада тезликни аниқлашда, сув оқимининг максимал тезлиги 0,1% таъминланганликда келиб чиққан ҳолда,  $v = 3,0$  м / сек деб қабул қилинди (6,7-расм).

Шпорлар ўрнатишда чўкиндиларнинг чўкиши, шпораларнинг ўлчами ва қаршилиги таъсирида ўзаннинг туби ва шу билан бирга сув сатҳи кўтарилди. Бундай ҳолда, оқимнинг ўнг томонга оғиши дарҳол содир бўлмади, вақт давомида ҳар бир шпораларнинг таъсирида содир бўлди. Учта шпоранинг биринчиси дарё оқимининг тахминан 10% ни, иккинчиси тахминан 15% ни ва учинчиси тахминан 20% ни бошқариши кузатилди. Натижада, бутун оқим қарама-қарши қирғоққа йўналтирилди.

Экспериментал тадқиқот ўтказишлар **2 босқичида** яъни пионер хандак бўйича оқимни йўналтиришда давомида дастлаб тўғри ва эгри ўзанда оқим элементлари бўлган чуқурлик, оқим тезлиги ва шу асосида сув сарфлари ўзгариши бўйича ўлчов ишлари олиб борилди. Экспериментал тадқиқотлар сув сарфининг ўзгариши  $Q = 9-25$  л/с гача сув сарфи,  $v = 0,38-0,51$  м/с гача оқим тезлиги ва оқим чуқурлиги  $h = 3-6$  см гача бўлган қийматларда назорат ўлчов қурилмаси орқали амалга оширилди. Оқим чуқурлиги 3 см ва сув оқими тезлиги 11,04 л/с бўлган биринчи оқимдаги максимал оқим тезлиги 0,385 м/с ни ташкил этди. Иккинчи участкада максимал оқим тезлиги 0,39 м/с га ўзгарди


ва сув сарфи 10,89 л/с ни ташкил этди. Бирок, сув олиш каналининг таъсирига яқин бўлган ҳудудда оқим тезлиги пионер хандак кенглигига қараб ҳар хил қийматларга эга бўлди.




**8-расм. Экспериментал тадқиқотларнинг 2-боскичида пионер хандак 30° бурчакда жойлашганда оқим тезлиги ўзгаришлари**

Экспериментал тадқиқотлар дозатор ёрдамида лойқа чўкиндиларни аралаштирилиб ўтказилди. Лойқа бўлмаган шароитларга нисбатан оқим йўналиши ва тезлигида сезиларли фарқлар кузатилди. Унга кўра, лойқалик ҳолатида сувнинг 3 см чуқурлигида сув сарфи 9,12 л/с ни ташкил этди (8-расм). КМК тўғонсиз сув олиш каналига сувнинг узлуксиз оқиб боришини таъминлаш мақсадида 30°, 45° ва 60° намунали бурчакларда пионер хандак ўрнатиш орқали тажрибалар ўтказилди. Учта ҳолатда ҳам сув чуқурлиги 3 см дан 6 см гача оширилди.

Экспериментал тадқиқотларнинг 3-боскичида пастки бьефда сув оқимининг турли тезликларида оқим чуқурлигининг ўзгариши ўрганилди. Тадқиқот давомида тўғонсиз сув олиш жойидан 200 см масофада пастда жойлашган 4 та участкада чуқурлик ва оқим тезлигининг ўзгариши кузатилди.





**9-расм. Экспериментал тадқиқотларда оқим тезлигини кенглик бўйича тақсимланиши**

Кузатишлар давомида 4 та створда чуқурлик бўйича сув оқимининг ўзгариши графиклари тузилди. Сув оқимининг ўзгариши тартибга солувчи лойиҳа билан таъминланди. Экспериментал тадқиқотлар  $Q = 1-18$  л/с, сув оқими тезлиги  $v = 0,1-0,8$  м/с гача, оқим чуқурлиги  $h = 0,5-5$  см бўлган ҳолларда ўтказилди (9-расм).

Амударёнинг тўғонсиз сув олиш қисмининг пастки бўёфида ўтказилган тажриба ва дала тадқиқотларини солиштиришларга маълум бўлдики, чуқурлик ва янги ўзан жараёнлари натижасида катта ўзгаришлар содир бўлади. Ушбу участкаларда дарёнинг асосий қисми кенг ўзанга эга эгри оқимни ҳосил қилади (9-расм).




**9-расм. Ўзан ювилишини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар қурилмаси**


Экспериментал тадқиқотлар натижасида эгри ўзанли каналларда қирғоқларнинг ювилиш соҳалари (оқимларнинг шаклланиши) аниқланди ва уларни ювилишдан ҳимоя қилиш усули такомиллаштирилди. Ювилиш

контури бўйлаб ҳимоя қилиш, пастки бўёфни чап қирғоғини тошлар билан тўлдириш орқали мустаҳкамлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Диссертация ишининг “Амударёдан тўғонсиз сув олиш соҳасида ўзанида оқимнинг беқарор ҳаракатини ўрганиш бўйича сонли тадқиқот натижалари” номли бешинчи бобида Амударёнинг КМК тўғонсиз сув олиш соҳасида сув оқимининг икки ўлчамли гидродинамика тенгламалари асосида математик моделнинг қўлланилиши бўйича сонли тадқиқотлар натижалари келтирилган. Амалга оширилган сонли тадқиқотлар доирасида тўғонсиз сув олиш соҳасида маълум вақт оралиғида ва ўтишларда оқимнинг тақсимланиши (сув сатхи ва сарфи), ўрталашган чуқурликдаги тезлик ва лойқа оқизиклар векторлари ўрганилди.



10-расм. Қайта тикланган рельефнинг бўлаги



11-расм. Тўр катакларининг марказларига интерполяция қилинган рельеф, моделлаш тирилган майдон чегараси

КМК сув олиш соҳасида гидродинамик моделлаштириш, объект жойлашган худуднинг рельефини математик моделини куриш учун топографик хариталар ва сунъий йўлдош тасвирлари, топографик съёмка материаллари, Амударёнинг кўнланг кесими бўйича ўлчанган маълумотлар ва бошқа материаллардан фойдаланилди. Рельеф моделини тайёрлашда биз манбаларнинг ягона координатаметрик тизимида тўпланган рельеф маълумотларидан фойдаландик. (10-11 расм).

Сен-Венан дифференциал тенгламасини интеграллаш билан боғлиқ мураккаб математик масалалар дарё ўзанларида сув оқимининг ҳаракатини белгиловчи параметрларни аниқлашда фойдаланилади. Ҳозиргача уч ўлчовли моделлаштиришнинг тўлиқ ечимини ҳал қилиш учун самарали алгоритмлар деярли мавжуд эмас. Шунинг учун икки ўлчамли моделлаштиришда масштабни қуйидагича келтириш мумкин:

$$M_L = L_n^2 T,$$

бунда  $L_n$  -чизиқли масштабнинг планда кўриниши бу ерда  $h$  -оқим чуқурлиги.

$$T = \frac{L_n}{U}$$

$U$  -қуйидаги шарт бажарилганда оқим тезлигини характерли кўриниши, шунингдек

$$\frac{\rho_{\max} - \rho_{\min}}{\rho_{\max} + \rho_{\min}} \ll 1$$

Гидродинамиканинг умумий тенгламалари ёзилади:

$$\begin{aligned} \frac{\partial u_i \rho}{\partial t} + \frac{\partial u_i u_j \rho}{\partial x_j} + \frac{\partial \rho}{\partial x_i} &= \frac{\partial \tau_{ij}}{\partial x_j} + g_i \rho \\ \frac{\partial \rho}{\partial t} + \frac{\partial u_i \rho}{\partial x_j} &= 0; \quad \frac{\partial S_r}{\partial t} + \frac{\partial S_r u_j}{\partial x_j} = q_{S_r} \end{aligned} \quad (10)$$

$$\rho = f(S_r); \quad i = 1, 2, 3,$$

бунда  $u_i - x_i$  бўйича ҳақиқий тезлик векторининг проекцияси,  $p$  - гидродинамик босим,  $\tau_{ij}$  - жисмоний силжиш кучланишлари тензорининг компоненти,  $\rho$  - зичлик,  $g_i$  - эркин тушиш тезланиши векторининг компоненти  $q_{S_r}$  - Нютон суюқлиги учун моддаларнинг ташкил этувчилари  $S_r$  - зичликни аниқлашда фойдаланилган баъзи кўрсаткичлар (харорат, туз миқдори ва х.к)

$$\tau_{ij} = \left( \frac{\partial u_i}{\partial x_j} + \frac{\partial u_j}{\partial x_i} \right) \nu \rho,$$

Бундан қуйидаги тенгламалар системасига ўтиш мумкин:

$$\left\{ \begin{aligned} \frac{\partial u_i}{\partial t} + \frac{\partial u_i u_j}{\partial x_j} + \frac{\partial u_i w}{\partial z} + g \left( \frac{\partial z}{\partial x_i} + \frac{1}{p} \int_z^{z_T} \frac{\partial \rho}{\partial x_i} \partial z \right) &= \frac{\partial}{\partial z} \nu_T \frac{\partial u_i}{\partial z} + \frac{\partial \mu}{\partial z} \frac{\partial u_i}{\partial z} \\ \frac{\partial u_i}{\partial x_i} + \frac{\partial w}{\partial z} &= 0 \\ \frac{\partial S_r}{\partial t} + \frac{\partial S_r u_j}{\partial x_j} + \frac{\partial S_r w}{\partial z} &= \frac{\partial}{\partial z} D \frac{\partial S_r}{\partial z} + q_{S_r} \\ \rho &= \rho(S_r) \end{aligned} \right. \quad (11)$$

